**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида мурожаатлар билан ишлаш борасида 2021 йил январь-декабрь ойларида амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий ахборотнома**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида (ОАК) мурожаатлар билан ишлашга "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида алоҳида эътибор берилади.

**I.** ОАКда мурожаатлар билан ишлашни ташкил қилиш.

ОАКда мурожаатлар билан ишлашни ташкил қилиш, мурожаатларни ўз муддатида ва сифатли кўриб чиқишни таъминлаш бўйича меъёрий, илмий-ташкилий ва жойларда ўтказиладиган тадбирлар натижасида тегишли ишлар амалга оширилган. Бу борада, жумладан қуйидагилар йўлга қўйилган:

мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ҳар куни раҳбарият ҳузурида, ҳар ҳафта ОАК тартиб-қоида комиссияси ва ҳар ой Раёсат мажлисларида танқидий муҳокама қилиб борилиши ташкил этилган;

масъул ходимлар билан ижро интизоми масаласи бўйича семинар, илмий котиблар билан ишчи семинарлар ташкил қилинган. ОАК тартиб-қоида комиссиясида энг кўп мурожаатлар келиб тушаётган масалаларнинг муҳокамаси йўлга қўйилган;

оғзаки мурожаат қилувчи ҳар бир фуқаро билан ОАК ишчи гуруҳи суҳбат ўтказиб, унга батафсил тушунтириш бериш йўлга қўйилган;

мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш ва энг кўп мурожаатлар келиб тушаётган масалалар бўйича жойларда илмий жамоатчилик билан учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкил этилган. Мазкур учрашувлар ва сайёр қабулларда масалаларнинг жойида ҳал этилишига ва саволларга батафсил тушунтириш берилишига алоҳида эътибор қаратилган.

**II.** 2021 йил январь-декабрь ойларидаги мурожаатлар.

**а)** мурожаатларнинг йўналишлар бўйича таҳлилига кўра, мурожаатлар моҳиятан аттестация жараёни масалаларига тушунтириш бериш сўралган, жумладан диссертация ҳимоясини ташкил этиш; илмий унвон ва илмий даражалар бериш тартиби; илмий унвон ва илмий даражалар олишга оид аттестация ҳужжатларини кўриб чиқиш.

Ҳисобот даврида келиб тушган 432 та мурожаатларнинг 347 тасига ўз вақтида тўлиқ жавоб берилди, 85 таси тегишлилиги бўйича юборилди (167 таси ЎзР Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда 2 таси ЎзР Президентининг Халқ қабулхонаси ва 44 таси ОАК электрон почтасига, 63 таси ёзма ва 156 таси оғзаки).

| Мурожаатларнинг келиб тушиши | Жами | Шундан | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Муддатида курилиб, тушунтириш берилган | Кўрмасдан колдирилган ёки аноним топилган | Тегишлилиги бўйича юборилган | Куриб чикиш жараёнида (муддати мавжуд) | Муддати бузилган |
| **Жами мурожаатлар** | **432** | **325** | **22*** | **85** | **0** | **0** |
| УзР Президентининг Виртуал қабулхонаси | **167** | 84 | 0 | 83 | 0 | 0 |
| УзР Президентининг Халқ қабулхонаси | **2** | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| ОАК электрон почтаси | **44** | 42 | 0 | 2 | 0 | 0 |
| Ёзма мурожатлар | **63** | 41 | 22* | 0 | 0 | 0 |
| Оғзаки мурожаатлар, шундан: | **156** | 156 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| *сайёр қабуллар* | **144** | 144 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| *ОАКда қабул қилинганлар* | **10** | 10 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| *ишонч телефони* | **2** | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 |

*Мурожаатлар аноним бўлганлиги сабабли қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилмаган.

б) ҳисобот даврида Қорақалпоғистон Республикаси ва 10 та вилоятда (Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари) **3342** нафар илмий жамоатчилик билан **71** та учрашув ташкил этилиб, унда **2358** нафар ёш тадикотчи иштирок этди, **915** та саволга тушунтириш берилди, **157** нафар изланувчининг масаласи жойида ҳал этилди **406** нафар изланувчига жойида услубий ёрдам кўрсатилди.

**III.** Энг кўп мурожаатлар келиб тушаётган масалаларни ҳал этиш юзасидан қатор тадбирлар, жумладан қуйидагилар амалга оширилган:

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиблари билан ишчи семинарлар доимий ташкил этилган;

тадқиқотчиларга услубий ёрдам кўрсатиш ташкил этилган;

тегишли масалалар бўйича электрон ахборот тарқатиш йўлга қўйилган;

жойларда илмий жамоатчилик билан учрашувлар доимий равишда амалга оширилиши ташкил этилган.

**IV.** Мурожаатлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш бўйича, жумладан жойларда илмий жамоатчилик билан учрашувларни ва тадқиқотчиларга жойида услубий ёрдам кўрсатиш амалиётини изчил давом эттириш;

энг кўп мурожаатлар келиб тушаётган муаммоли масалаларни таҳлил қилиб, такрорий мурожаатлар сабабини ўрганиш, тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва шулар асосида мақсадли тадбирларни амалга оширишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Олий аттестация комиссияси томонидан мурожаатлар билан тизимли ишлашни ташкил этиш, мурожаатларни ўз муддатида ва сифатли кўриб чиқиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар изчил давом эттирилади.

**ОАК томонидан 2021 йил январь-декабрь ойларида мурожаатлар билан ишлаш натижаларини ёритиш соҳасида олиб борилган ишлар бўйича маълумот**

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 125-сон "Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!" деган ғоя асосида давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалар бўйича ўтказиладиган матбуот анжуманларининг 2021 йил режалари асосида ОАК фаолиятига оид масалалар юзасидан ОАК ахборот хизмати томонидан ОАВ иштирокида матбуот анжуманлари ва брифинглар ташкил этилди. Ушбу матбуот анжуманлари ва брифингларда мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижалари бўйича ОАВда, шунингдек, ОАК ижтимоий тармоқлари (телеграм, фейсбук), ОАК расмий веб-сайтида мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда таҳлилий маълумотлар бериб бориш ташкил этилган.

*1-жадвал*

Олий аттестация комиссиясига 2021 йил январь-декабрь ойларида келиб тушган мурожаатлар тўғрисида

**МАЪЛУМОТ**

| Келиб тушган мурожаат-лар сони | Шундан | | | | | | Раҳбар томони-дан қабул қилинган шахслар сони | Раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинган шахслар сони* | Шундан | | | Вазирлик ҳудудий тузилмалари раҳбарлари томонидан | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Виртуал қабулхо-на орқали келган мурожаат-лар сони | Халқ қабулхо-налари орқали келган мурожаат-лар сони | Оғзаки | Ёзма | Веб-сайт | Электрон почта | | | Бевосита идорада қабул қилинган шахслар сони | Сайёр қабуллар-да қабул қилинган шахслар сони | Халқ қабулхона-ларида қабул қилинган шахслар сони | Бевосита идорада қабул қилинган шахслар сони | Сайёр қабул-ларда қабул қилин-ган шахслар сони | Халқ қабулхона-ларида қабул қилинган шахслар сони |
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* | *11* | *12* | *13* | *14* | *15* |
| 432 | 167 | 2 | 156 | 63 | 0 | 44 | 144 | (12)* | 12 | 144 | 0 | 0 | 0 | 0 |

*ОАКда жисмоний шахсларни ОАК раиси раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан қабул қилиниши ташкил этилган.

*2-жадвал*

**Олий аттестация комиссиясига 2021 йил январь-декабрь ойларида келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида**

# МАЪЛУМОТ

| Бевосита ташкилотга келган мурожаатлар бўйича | | | | | | | Виртуал ва халқ қабулхоналаридан келиб тушган мурожаатлар бўйича | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | Қаноатлан-тирилган | Тушунти-риш берилган | Кўрмас-дан қолдирил-ган | Рад этилган | Тегишли-лиги бўйича бошқа ташкилотга юборилган | Ўрганиш жараёнида | **Жами** | Қаноатлан-тирилган | Тушунти-риш берилган | Кўрмас-дан қолдирил-ган | Рад этилган | Тегишли-лиги бўйича бошқа ташкилотга юборилган | Ўрганиш жараёнида |
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* | *11* | *12* | *13* | *14* |
| **263** | **0** | **204** | **22*** | **35** | **2** | **0** | **169** | **0** | **30** | **0** | **56** | **83** | **0** |

*Мурожаатлар аноним бўлганлиги сабабли қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилмаган.

*3-жадвал*

Олий аттестация комиссияси томонидан 2021 йил январь-декабрь ойлари давомида мурожаатларни кўриб чиқишда камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан қўлланилган жавобгарлик чоралари тўғрисида

**МАЪЛУМОТ**

| № | Ташкилот номи | Жавобгарликка тортилган масъул ходимларнинг жами сони | Шундан | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Интизомий жавобгарлик | | | Маъмурий жавобгарлик | Жиноий жавобгарлик |
| | | | Жарима | Ҳайфсан | Меҳнат шартномасини бекор қилиш | | |
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* |
| 1 | Олий аттестация комиссияси | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | **Жами** | **0** | **0** | **0** | **0** | **0** | **0** |

*4-жадвал*

Олий аттестация комиссияси томонидан 2021 йил январь-декабрь ойлари давомида мурожаатларни кўриб чиқишда камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун жавобгарликка тортилган масъул ходимлар тўғрисида

**МАЪЛУМОТ**

| № | Жавобгарликка тортилган масъул ходимнинг Ф.И.О. | Лавозими | Ҳужжат рақами | Санаси | Жавобгарлик тури |
|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* |
| | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

*5-жадвал*

Олий аттестация комиссияси томонидан 2021 йил январь-декабрь ойлари давомида идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш тизимини яхшилаш, тизимли муаммоларни ҳал этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар тўғрисида

**МАЪЛУМОТ**

| *Қуйи ташкилотларда мурожаатлар билан ишлаш юзасидан ўтказилган ўрганишлар сони | Аниқланган камчиликлар сони | Камчиликларнинг қисқача тавсифи | Мурожаатлар билан ишлаш бўйича ўтказилган семинарлар ва ўқув машғулотлари сони | Мурожаатлар билан ишлаш бўйича рағбатлантирилган масъул ходимлар сони | Идора бўйича энг кўп мурожаатлар тушаётган масалалар бўйича ўтказилган таҳлиллар сони | Таҳлиллар натижаси бўйича тегишли идораларга юборилган таклифлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* |
| * | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

* ОАКнинг тузилмасида қуйи ташкилотлар мавжуд эмас.

*6-жадвал*

Олий аттестация комиссияси томонидан 2021 йил январь-декабрь ойларида энг кўп мурожаатлар келиб тушаётган, тизимли, долзарб муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўрилаган чоралар тўғрисида

**МАЪЛУМОТ**

| **Мурожаатларда акс эттирилган тизимли, долзарб муаммо ёки масаланинг қисқача мазмуни** | **Муаммо ёки масаланинг келиб чиқиш сабаблари** | **Муаммони бартараф этиш бўйича асосли таклифлар** | **Муаммони ечиш, мурожаатлар сонини камайтириш бўйича кўрилган чоралар** |
|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4* |
| Аттестация талабларининг моҳиятини тушунтириш ишларини янада кучайтириш. | 1. Диссертация химоясини ташкил этиш; илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида;<br>2. Илмий унвон олишга оид аттестация ҳужжатларини кўриб чиқиш. | Жойларда илмий жамоатчилик билан учрашувларни ташкил қилиш ва тадқиқотчиларга жойларда услубий ёрдам кўрсатиш амалиётини изчил давом эттириш. | Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш ва энг кўп мурожаатлар келиб тушаётган муассасалар бўйича жойларда илмий жамоатчилик билан учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкил этилган. Мазкур учрашувлар ва сайёр қабулларда масалаларнинг жойида ҳал этилиши ва саволларга тушунтиришлар берилишида муҳим восита сифатида хизмат қилмоқда. Ҳисобот даврида Қорақалпоғистон Республикаси ва 10 та вилоятда 3342 нафар илмий жамоатчилик билан 71 та учрашув ташкил этилиб, унда 915 та саволга жойида тушунтириш берилди ҳамда 406 та тадқиқотчига жойида услубий ёрдам кўрсатилди. |

*7-жадвал*

Олий аттестация комиссияси томонидан 2021 йил январь-декабрь ойларида мурожаатлар кўриб чиқилиши натижаларини ОАВда ёритиш ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида

**МАЪЛУМОТ**

| Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ОАВда чиқишлар сони | Жумладан | | | | Кўп мурожаат келиб тушаётган муаммоли масалалар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ОАВда чиқишлар сони | Мурожаатларни кўриб чиқишдаги камчилик-ларни бартараф этиш, айбдор шахсларга кўрилган чоралар тўғрисида ОАВда чиқишлар сони | Идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати борасида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбирлар сони | Мурожаатлар билан ишлаш юзасидан жамоатчилик вакиллари олдида берилган ҳисоботлар сони | Идора веб-сайтида мурожаатлар билан ишлаш натижалари бўйича жойлаштирил-ган ҳисоботлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Телевидение ва радиода чиқишлар сони | Босма ОАВда чиқиш-лар сони | Электрон ОАВда чиқиш-лар сони | Идора веб-сайтида чиқишлар сони | | | | | |
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* |
| 14 | 6 | 0 | 4 | 4 | 12 | 0 | 29 | 16 | 5 |